



2018 yil "05" сентябрь № 458

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
29 августдаги 700-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятга таърифидан давомида берилган топшириқлардан келиб чиқиб аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини янада яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 августдаги 700-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 августдаги "Республика аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 700-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика ҳудудларига таърифлари давомидаги топшириқларига мувофиқ 2018-2019 йилларда Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини янада яхшилаш бўйича кўшимча ишларни амалга ошириш ва талаб этиладиган маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджета ҳамда маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига босқичма-босқич ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари Дастурни амалга ошириш учун 2018 йилда талаб этиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджета ҳамда маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига ушбу қарорга иловага мувофиқ ажратилишини таъминлаш;

Дастур доирасида 2018 йилда амалга оширилиши назарда тутилган лойиҳаларнинг қурилиш муддатлари қисқалиги сабабли, пудрат ташкилотларига истисно тариқасида бир марталик 30 фоиз бўнак тўловлари тўлаб берилиши;

Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари 2018 йилда ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ушбу вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари ҳисобига ажратиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Соф ичимлик суви” жамғармасига ўтказиб берилишини таъминлашлиги;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурини шакллантиришда марказлаштирилган капитал қўйилмалар доирасида иловага мувофиқ лимитлар ажратилишини назарда тутилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Ўзбеккоммуналлойихақурилиш” давлат унитар корхонаси билан биргаликда бир ой муддатда Дастурга киритилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ва давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминлаш;

“Ўзбеккоммуналлойихақурилиш” давлат унитар корхонасига Дастур доирасида лойиҳа-смета ҳужжатларини қисқа муддатларда ишлаб чиқиш мақсадида, истисно тариқасида, бошқа лойиҳа ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоятда 2018-2019 йилларда вилоятда ичимлик сув таъминотини қуриш ва реконструкция қилиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжаахмедов, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Раҳимжонов), “Сувоқава” ДУК (Қодиров), Қурилиш бош бошқармаси (Ғаниев), Ичимлик сувидан оқилона фойдаланишни назорат қилин инспекцияси (Авлиёхонов) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда Дастурга киритилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ва давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин;

Дастурга киритилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини қисқа муддатларда ишлаб чиқиш ва уни “Ўзбеккоммуналлойихақурилиш” давлат унитар корхонасига тақдим этиш;

ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда сифат талабларига риоя этилиши бўйича тегишли давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатилиши таъминлансин.

5. Вилоят Молия бош бошқармаси (Мирзаев) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда иловага мувофиқ маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган 2018-2019 йилларда ичимлик сув таъминотини қуриш ва реконструкция қилиш дастурида талаб этиладиган маблағларни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

6. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Рахимжонов), “Сувоқава” ДУК (Қодиров), Ичимлик сувидан оқилона фойдаланишни назорат қилин инспекцияси (Авлиёхонов) мазкур дастурни ижроси бўйича ҳудудларда олиб борилаётган ишлар юзасидан доимий назорат ўрнатиб, ҳар ўн кунда вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борилишини таъминлансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжихмедов ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Р.Рахимжонов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев.

**ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ
2018 йил 05 сентябрдаги
458 -сонли қарорига
ИЛОВА**

**Вилоятда 2018-2019 йилларда вилоятда ичимлик сув таъминотини қуриш ва реконструкция қилиш
ДАСТУРИ**

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағ* (млн. сўм)	Шу жумладан:		Молиялаштириш манбаи	Буюртмачи
			2018 йил	2019 йил		
	Вилоят бўйича жами:	52 000,0	27 000,0	25 000,0		
1.	Фарғона ва Марғилон шаҳарлари ва унга яқин бўлган аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминотини тубдан яхшилаш**	50 000,0	25 000,0	25 000,0	Республика ва маҳаллий бюджет (тенг улушларда)	Уй-жой коммунал хизмати кўрсатиш вазирлиги
2.	Бешариқ тумани Адиробод қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш	2 000,0	2 000,0		Ҳомийлик маблағлари	Фарғона вилояти ҳокимлиги

*) Талаб этиладиган маблағлар миқдорига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг давлат экспертизаси ҳулосалари олингандан кейин аниқлик киритилади.

**) Лойиҳа бўйича тегишли қарор қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.